# ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

● ШУ кунларда областимиз меҳнат коллективларида, аҳоли турар-жойларида 2200 га яқин сиёсий докладчи, 24 минг 200 нафарга яқин сиёсий ахборотчи, 56 минг 460 агитатор КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материалларини кенг пропаганда қилмоқдалар.

## ПЛЕНУМ МАТЕРИАЛЛАРИ — ОММАГА

● ПЛЕНУМ қарорлари асосида оммавий-сиёсий ишлар ҳам кучайтириляпти. Областимиз партия комитетларининг 1200 нафардан кўпроқ штатсиз лекторлари, комсомол комитетларининг 2 минг нафарга яқин лекторлари ҳамда «Билим» жамиятининг 40 мингдан кўпроқ аъзоси лекция пропагандаси билан шуғулланяпти.

## МЕҲНАТ ЗАРБДОРИ

ҲАР КУНИ эрта тонгданоқ Оҳангарон шоссеси ишга шошилаётган одамлар, турна қатор машиналар ҳаракати билан гавжумлашиб кетади. Қудратли кўтарма кранлар, кўкка бўй чўзаётган кўп қаватли бинолар бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганидан далолат бериб турибди. Ҳолбуки, яқингача бу майдонлар ташландиқ жой ҳисобланарди.

Турсун ака янги қуриб битказилган бино олдидаги йўлак бўйлаб оҳиста одимлаб борар экан, беихтиёр шулар ҳақида ўйлади. Массивнинг олдинги ва ҳозирги кўринишини қиёслашга ҳаракат қилиб, эндигина хаёлга берилган ҳам эдики, ёнгинасидаги катта йўл четида енгил автомашина тўхтади.

— Салом, уста!— Машинадан кулимсираганча пардозлаш трестига қарашли 31-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Р. А. Савельев тушиб келар эди.— Бунча паришонхотир бўлмасангиз, ҳатто, машина сигналини чалсам ҳам эътибор қилмайсиз.

— Кечирасиз, Радион Александрович, хаёл билан бўлиб сезмабман.

Радион Александрович Турсун аканинг ёш болалардек мулзам тортганини кўриб ўзи ҳам хижолат бўлди. Шу лаҳзада нима мақсадда тўхтагани ёдига тушди-ю, суҳбатдошининг елкасига дўстона меҳр билан қоқиб қўйди.

— Табриклайман. Сизни яна раҳбар ташкилотларнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлашибди,— деди мамнун жилмайиб. Сўнгра машинаси томон юрар экан:— Бугун кеч соат бешда бошқармага бориш ёдингиздан кўтарилмасин. Ўз коллективингиз ютуғи ҳақида гапириб берасиз,— дея тайинлади.

Турсун ака узоқлашиб бораётган машина ортидан боқаркан, яна бир лаҳза хаёлга толди.

Ажабо, вақт тизгинини тутиб бўлмас экан-да. У қурилиш соҳасида ишлаётганига ҳам чорак асрдан ошибди. Йўқ, умр ўтганига ачинмаса ҳам бўлади. Кун сайин гўзаллашиб бораётган Тошкент салобатида унинг озмунча ҳиссаси борми? Деярли ҳар бир кварталда қад ростлаган бино қурилишига меҳнати сингган.

Шунинг натижаси ўлароқ устоз кўксини Меҳнат Қизил байроқ ордени ва бошқа бир қанча нишонлар безаб турибди. Бундан ташқари у «Меҳнат ветерани» шарафли унвонига ҳамда ўнлаб «Раҳматнома»ларга сазовор бўлди.

Турсун ака, айниқса, ўз касбини шогирдлари ҳам эъзозлаб келаётганлигидан беҳад қувонади. Г. Насибулина, Р. Абубакиров, Л. Баннова, Н. Исмоилов каби қирқдан ортиқ шогирд-сувоқчилар устозлари — бригада бошлиғи Турсун акани чексиз ҳурмат қилишлари бежиз эмас.

— Қарийб 20 йилдирки, устоз билан бирга ишлаймиз,— дейди Галина Насибулина мамнуният билан.— Ўтган йиллар давомида уни ҳамиша самимий, ёшларга нисбатан меҳрибон, меҳнатсевар инсон сифатида жуда яхши билиб олганман.

Дарҳақиқат, Турсун акадаги одамийлик фазилатларидан бошқалар ҳам ибрат олишга ҳаракат қилишмоқда. Коллективдаги кўтаринки кайфият, юксак даражали меҳнат интизоми, ишни ташкил этишдаги ибратли тадбирлар туфайли сўнгги уч беш йиллик давомида бригада аъзолари квартал ва ойлик планларини доимо ортиғи билан бажаришяпти. Бу ютуқларга катта ҳисса қўшганлиги учун бригада бошлиғи «Коммунистик меҳнат зарбдори» ҳамда тўққизинчи ва ўнинчи беш йиллик зарбдори фахрий нишонлари билан тақдирланди.

Турсун аканинг оиласи ҳам ҳавас қилса арзигудек бахтли оилалардан. Қаҳрамон она — Мухтабар умр йўлдоши билан биргаликда 11 фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Оиланинг тўнғичи Мавлудахон бир неча йилдан буён тикувчилик соҳасида ишлаб келяпти. Ҳамида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил кўрмоқда. Турғунжон эса Совет Армияси сафларида йигитлик бурчини ўтамоқда. Қолган ўғил-қизлар ҳали ёш, мактабда билим олишяпти.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида инсоннинг ижтимоий обрў-эътибори ҳам, моддий фаровонлиги ҳам аввало унинг қандай ишлаётганлиги билан белгиланиши лозим, деб таъкидланди. Турсун ака Исмоилов ҳалол меҳнати билан юртда обрў-эътибор топаётган инсондир.

**О. НУРМАТОВ,**
**«Главташкентстрой» бош бошқармаси сувоқчиси.**



● КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларидан руҳланган Калинин районидаги Свердлов номли совхоз ферма ходимлари зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини ошириб бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан) илғор сут соғувчилар А. Муҳаммедова, Х. Тешабоева, Х. Холмуродова ўртоқлар ферма ҳисобчиси У. Махмадалиев билан иш якунлари ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

## УНУМДОРЛИК ЯНА ҲАМ ОРТАДИ

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида меҳнат унумдорлигини ошириш — иқтисодий соҳадаги муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу мақсадга эришмоқ учун эса ҳар бир соҳада тежамкорлик, ишга, меҳнатга онгли муносабат даркор. Мавжуд техника ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш керак. Биз деҳқонлар буни яхши биламиз. Шунинг учун ҳам ишни бошидан пухта қилишга ҳаракат қиламиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликларидан руҳланган деҳқонларимиз ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида яхши муваффақиятларга эришмоқдалар. Хўжалигимиз районда биринчи бўлиб давлатга картошка сотиш планини бажарди. Мўлжалдаги 150 тонна ўрнига 238,6 тонна маҳсулот сотилди. Бунда бизнинг бригадамиз аъзоларининг ҳам улуши бор. Ҳозиргача ҳар гектаридан 207 центнердан картошка йиғиб олдик. М. Маҳмудов, Х. Умарова, С. Одилов, Р. Раҳимбердиев сингари ўртоқлар, айниқса, самарали меҳнат қилдилар. Унумдорликнинг ортишига катта ҳисса қўшдилар. Бригадамиз аъзолари ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамлаб, экинлар ҳосилдорлигини янада ошириш учун курашмоқдалар.

**А. УМАРОВ,**
**Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз бригада бошлиғи.**

## МУНОСИБ УЛУШИМ БОР

КПСС Марказий Комитети июнь Пленум қарорларидан руҳланган хўжалигимиз чорвадорлари бу йил зиммаларига юксак мажбуриятлар олган ҳолда астойдил меҳнат қилишяпти. Йил охиригача колхозимизда 80 тонна гўшт, 125 тонна сут етиштирилиши керак. Айни кунларда ана шу марраларни эгаллаш учун моллар парваришини кучайтирганмиз. 1983—84 йил қишлови учун мустаҳкам озуқа базаси яратилмоқда.

Барча касбдош дугоналарим қатори мен ҳам олдимизда турган вазифаларни тезроқ ҳал этилишига ўзимнинг муносиб улушимни қўшишга ҳаракат қилаяпман. Областимизнинг бир группа илғор чорвадорлари ташаббусига қўшилган ҳолда бу йил боқимимдаги 23 бош сигирнинг ҳар биридан тўрт минг килограммдан ошириб сут соғиб олиб, беш йиллик шахсий планимни тўрт йилда бажармоқчиман. Бунинг учун шароит ҳам, имкониятларим ҳам етарличадир.

**Л. НОРБОЕВА,**
**Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг сут соғувчиси.**

## ДЎСТЛИК ТИЛИНИНГ ҚУДРАТИ БИЛАН

Партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленумида ёшларни маънавий баркамол, сиёсий етук қилиб тарбиялашда рус тилини пухта ўрганиш ва ўргатиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу бежиз эмас, албатта. Рус тили ҳозирги кунда энг кўп тарқалган ва тараққий этган тиллардан биридир. Бу қудратли тил шундай битмас туганмас хазина-ки, ундан мен ҳам кўп қатори ўзимга янги-янги мазмун оламан, маънавий бойлик орттираман. Ана шундай бебаҳо мулкдан талабаларимни баҳраманд қилишга интиламан.

Мен дарс бераётган Бекобод районидаги 4-ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юртида ўқувчиларнинг асосий қисмини ўзбек, қозоқ, татар йигитлари ва қизлари ташкил этади. Улар рус тилига алоҳида меҳр қўйишган. Билим юртида дарс машғулотларидан ташқари рус тилида бадиий кечалар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ҳам ўтказиб турилади.

Рус тили ўқувчиларнинг танлаган мутахассисликлари бўйича малакани пухта ўзлаштиришларида катта ёрдам бермоқда. Лекин шуни алоҳида айтиш керакки, муаллим болаларга фақат китобий билимларни ўргатиш билан чегараланмаслиги керак. Ёшларни она Ватанга меҳр-муҳаббат, коммунистик партия ишига садоқат, оталаримизнинг жанговар традицияларига, шонли советлар армиясига чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашдек муқаддас вазифа ҳам педагог зиммасидадир.

Шуни ҳисобга олиб мен рус тили дарсларида касб нутқини ривожлантириш, ҳарбий таълим билан боғлиқ текстлар атрофида баҳслар уюштириш, суҳбатлар ташкил этишга кўпроқ эътибор бераман. Бу эса ёшларни Совет Армияси сафида хизмат қилишга тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Биронта дарс соатим йўқки, унда меҳнат ва меҳнат кишиси шарафланмасин. Бундай текстлар тайёрлаш, суҳбатлар уюштириш мен учун унчалик қийинчилик туғдирмайди. Чунки районимизда ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар кўп. Ўтган ўқув йилининг биринчи ярмидаги машғулотлардан бирида билим юртимизнинг собиқ талабаси, КПСС XXVI съезди делегати, донгдор механизатор Адолат Рўзматованинг ҳаёт йўли ҳақида эркин суҳбат ўтказдик. Кейинги соатлардан бирида эса худди шундай гурунг ташкил этишни болаларнинг ўзига топширдим.

Улар «Победа» колхозининг участка бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қушбек Эгамбердиев, Ленин номли колхоз раиси, қатор орденлар кавалери Ҳайдарали Ҳамроқуловлар таржимаи ҳолини ўрганиб, рус тилида кичик-кичик докладлар тайёрладилар. Қаҳрамонлар, новаторлар ҳаёт йўли ҳақида ўз ўртоқларига гапириб бердилар. Рус тили ўқитишнинг бундай услубида болалар фанни чуқур ўрганишлари билан биргаликда, меҳнат кишиларидан ўрнак оладилар, уларга эргашиб энг яхши маънавий фазилатларини ўзларида мужассамлаштирадилар.

— Инсонни шунчаки муайян билимлар йиғиндиси соҳибигина эмас, шу билан бирга даставвал ўзига хос ғоявий йўл-йўриқларга, ахлоқ ва қизиқишларига, юксак меҳнат ва хулқ-атвор маданиятига эга бўлган социалистик жамият граждани, коммунизмнинг актив бинокори сифатида тарбиялаш зарур, — дея таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми материалларида.

Ана шу кўрсатмалар бутун кучи ва ғайратини, билим ҳамда маҳоратини ёш авлодни тарбиялаш, унда коммунистик идеалларни шакллантиришга бел боғлаган ўқитувчилар учун ҳаракат программаси бўлиб ҳисобланади. Бундан буёнги ишимизни ана шу аниқ кўрсатмаларга таянган ҳолда ташкил этамиз.

**Гулнора ТАЙФУКОВА,**
**Бекобод районидаги 4-ўрта қишлоқ ҳунар техника билим юртининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

## ЧОРВАДОРГА ҲАМИША ҒАМХЎРМИЗ

ҲАР БИР ишнинг муваффақияти одамларга, уларнинг ўз касбига бўлган меҳри, ихлосига, яратилган шароитга боғлиқ. Колхозимизда бу масалага катта аҳамият бериб келинмоқда. Натижада пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам жадал ривожланаётир.

Масалан, ўтган ярим йилда давлатга гўшт, сут сотиш бўйича белгиланган план ва социалистик мажбуриятлар ортиғи билан бажарилди. Эл дастурхонига 502 тонна ўрнига 551 тонна сут, 36 тонна ўрнига 97 тонна гўшт тортиқ қилдик. Тухум сотиш бўйича белгиланган йиллик план ярим йилдаёқ уддаланди. 130 минг дона ўрнига 150 минг дона тухум шаҳарликларга етказиб берилди. Бошқача қилиб айтганда ўтган йилнинг шу давридагидан 24 тонна сут, 9 тонна гўшт, 11 минг дона тухум кўп сотилди.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммасига ишни тўғри ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг, социалистик мусобақанинг янги форма ва усулларини қўллаш, чорвадорларга унумли меҳнат қилиб, яхши ҳордиқ чиқаришлари учун имконият яратиб берилаётганлиги туфайли эришмоқдамиз.

Янги чорвачилик комплекси қурилиб, ишга туширилгач, биринчи навбатда бу ерда чорвадорларга барча қулайликларнинг бўлишига эътибор бердик.

Айниқса, сут соғувчилар ҳақида доимо қайғуриш лозим. Чунки, асосий ишни улар бажаришади. Эрталаб соат 5.00 дан кечқурун 8—9 гача фермада бўлишади.

Бундан ташқари ҳозирги вақтда бу ерда меҳнат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Улар фермада ўзларини эркин ҳис қилсинлар, берилиб, завқ-шавқ, меҳр билан ишлашлари керак. Бунинг учун эса энг биринчи навбатда уларнинг руҳини, кайфиятини кўтариш лозим. Яхши кайфият эса катта ният ва унум демакдир.

Комплексда буларнинг ҳаммаси ҳисобга олинган. Махсус хоналар бор. Бу хоналарга шкафлар қўйилган. Сут соғувчилар ишга келишгач кийимларини алмаштириб, сўнг ишга киришадилар. Кечқурун ишни тугаллашганда ювиниш учун иссиқ сув тайёрлаб қўйилади. Шунингдек, улар учун доимо иссиқ овқат ташкил қилинмоқда. Дам олиш хонасига кровать ва бошқа жиҳозлар ўрнатилган. Эрталабки соғиндан сўнг бу ерда бемалол ҳордиқ чиқариш мумкин. Қизил бурчак ҳам улар хизматида. Бу ерга газета ва журналларнинг ҳар кунги сонлари келтирилиб турилади. Кўчма кутубхона бор. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни район маиший комбинатидан кўчма устахона келиб хизмат кўрсатади.

Соғувчилар ўртасида ташкил этилган ўзаро социалистик мусобақага 10 кунда якун ясалади. Биринчи ўринни олган сут соғувчи 20 сўм, иккинчи ўринни олган сут соғувчи 15 сўм, учинчи ўринни олган сут соғувчи 10 сўм пул мукофоти билан тақдирланади. Мусобақа ғолибларининг фамилиялари «Илғорлар тахтаси»га қайд қилинади. Улар шарафига меҳнат шон-шуҳрати байроғи кўтарилади. Биз мукофотларни тантанали суръатда топширишга катта аҳамият берамиз.

Шуниси диққатга сазоворки, колхозимизда бир неча йилдан буён мусобақага якун ясашда маҳсулот сифати қатъий ҳисобга олинади. Ҳар бир соғувчининг топширган сутининг ёғлилик даражаси махсус лабораторияда текширувдан ўтказилиб дафтарчага ёзиб борилади. Йил бошидан буён топширилаётган сутнинг 97—98 проценти мунтазам биринчи сортга қабул қилинмоқда.

Бу ғамхўрликларга жавобан сут-товар фермамизнинг Муборак Мирзаалиева, Малоҳат Ҳакимова, Ўлжон Пернебоева, Жумагул Турғунбоева сингари соғувчилари ўзларига бириктирилган говмушларнинг ҳар биридан кунига 14—15 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиб, барчага намуна бўлмоқдалар. Бу илғорларнинг шу кунгача соғиб олган сутлари 2300—2500 килограммдан ошиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида шундай деди: «Умуман олганда энг асосий ишлаб чиқарувчи куч — инсон, унинг меҳнат фаолиятидир, албатта. Бу ўринда мен онгли интизомни, меҳнатга ижодий муносабатнигина эмас, шу билан бирга одамлар меҳнатини ва улар меҳнатига ҳақ тўлашни пухта, моҳирона ташкил этишни ҳам назарда тутаман».

Жуда топиб айтилган гап. Бугунги кунда ишлаб чиқаришни, хусусан, чорвачиликни ривожлантиришда иш маданиятини ошириб бориш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг одил формаларини қўллаш асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Колхоз правлениеси, партия ташкилоти, касаба союз ва комсомол комитети пленум қарорлари асосида қўшимча тадбирлар ишлаб чиқишди.

Комплексимизда ҳали кўпгина ишлар қилиш керак. Атрофни янада ободонлаштириш янги хоналар қуриш лозим. Бундан ташқари спорт майдончаси ташкил этишни мўлжаллаб турибмиз.

Биз қишлоқ хўжалигининг зарбдор тармоғи чорвачиликка раҳбарликни ҳозирги талаблар даражасига кўтариш учун астойдил бел боғлаганмиз. Бу мақсадга эришишнинг бирдан-бир йўли ферма ходимларининг маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, улар қалбига йўл топиш, меҳнатини қадрлаш ва муносиб баҳолашдир. Бу давр талаби. Ишимизни ана шу асосда яхшилаб борамиз.

**Ў. ЖЎРАЕВ,**
**Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз раиси.**

**Ж. СОИПНАЗАРОВ,**
**колхоз партия ташкилотининг секретари.**

**Ж. СОУЛБЕКОВ,**
**колхоз бош зоотехниги.**

БИР ФИЛЬМ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

## «СУЮНЧИ»

**МАДАНИЯТ арбобларини халқ олдида масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш, улар ўртасида ғоявий, маънавий ва эстетик талабчанлик вазиятини мустаҳкамлаш — ижодий союзлар ва уюшмаларнинг вазифасидир. Ижодий изланишга нисбатан актив, сезгир, эътиборли марксча-ленинча танқид бадиий ижодиётга таъсир ўтказишнинг бош методи бўлиши керак.**

(КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «Партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал масалалари» қароридан).

МЕЛИС Абзаловнинг номи кино мухлисларига «Нафосат», «Севишганлар», «Еттинчи ўқ», «Фавқулодда комиссар», «Инсон қушлар ортидан боради», «Муҳаббат ва нафрат» каби фильмларнинг иккинчи режиссёри сифатида яхши таниш. Шунингдек, у «Мухлис», «Инсон қушлар ортидан боради», «Асов оққуш» картиналарида ранг-баранг образлар ҳам яратган. Комил Ёрматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудиясида ишланган «Чинор остидаги дуэль» бадиий фильми эса бу санъаткорнинг режиссёр сифатидаги дастлабки мустақил иши бўлишига қарамай, унга катта муваффақият келтирди. Бу картина сценарий муаллифи Рихсивой Муҳаммаджонов учун ҳам дебют бўлди. Яқинда эса томошабинлар мана шу икки ижодкор ҳамкорлигида яратилган «Суюнчи» номли янги кинокомедия билан танишдилар.

...Картина воқеалари асосан тоғли қишлоқлардан бирида бўлиб ўтади. Режиссёр бош ролга Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги академик драма театрининг тажрибали актёри Зайнаб Садриевани таклиф этиб янглишмаган. Актриса бош қаҳрамон Анзират хола образини қиёмига етказиб ижро этган. З. Садриева ўз қаҳрамони табиатига хос жонкуярлик, одамшинавандалик каби хусусиятларни чуқур ҳис этади, бу эса образнинг ҳаққоний чиқишига катта ёрдам берган. Воқеа Анзират холанинг район марказидан қишлоққа қайтиши эпизоди билан бошланади. Бу ерда уни қишлоқнинг «кўз-қулоқ»лари Холмат (Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғани Аъзамов) ва Мастон (Ўзбекистон ССР халқ артисти Икрома Болтаева)лар қарши олишади. Бироз суҳбат қуришгач Анзират холанинг нигоҳи «отнинг калласидай» қулф осиғлиқ турган эшикка тушади. Хола қиёфаси жиддий тус олади. «Кўз-қулоқлар» эса бу уй ҳақида батафсил ахборот беришади. Холанинг буйруғига кўра «гуноҳкор» чақириб келтирилади. Гап нимадалигини фаҳмлай олмай турган уй эгаси гувоҳлигида эшик қулфи бузиб ташланади. Ушбу эпизоддан бошланган енгил юмор фильм давомида ранг-баранг бўёқлар ва турли кўринишларда давом этади.

Ўзбек халқи азалдан кулги ва аскияга мойил. Фильм муаллифлари барча ҳодисаларни имкони борича кулги билан йўғришга интилганлар. Айниқса, совчилик билан боғлиқ эпизод алоҳида эътиборга лойиқ. М. Абзаловнинг «Чинор остидаги дуэль» фильмида ҳам шундай лавҳа бор эди. Унда картина қаҳрамони Нортой (Рашид Маликов) укаси Зокир (Жалол Юсупов) билан Ўғилойникига (Феруза Орифжонова) совчиликка боришлари тасвирланган. Ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайдиган бу воқеа томошабиннинг ғашини келтирган холос. «Суюнчи» фильмидаги совчилик билан боғлиқ эпизод эса бизда яхши таассурот уйғотади. Чунки ушбу кадрларда ҳаёт нафаси уфуриб туради. Айниқса, мазкур кўринишда бўлажак келин Назира ролини ижро этган Шаҳноза Ҳамроева маҳорати эътиборга лойиқ. У яратган образ табиий ва жозибали чиққан.

Режиссёр ёш актриса билан ишлар экан, унинг ўзида мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, йўл-йўриқлар кўрсатиб туради ва образни қаерда бўрттириб, қаерда соддароқ талқин этиш кераклигини уқтиради. Профессионал бўлмаган ёш актрисанинг муваффақияти тасодифий ҳол бўлмай, балки яхши сценарий ҳамда режиссёр талантига боғлиқ.

Кинокомедия айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунончи, асосий қаҳрамонлардан бири — Анзират холанинг ўғли Шермат (Ҳусан Шарипов) образи қиёмига етмаган. У фильм бошидан охиригача оилавий футбол командаси тузиш мақсадида хотинининг яна бир ўғил туғиб беришини орзу қилади. Актёр ўз ҳатти-ҳаракати, имо-ишораси билан томошабинни воқеага ишонтирмоқчи ва кулдирмоқчи бўлади.

Кино санъати ўз табиатига кўра театр актёрларидан образни талқин этишда муайян қонун-қоидалар доирасида ҳаракат қилишларини тақозо қилади. Фильмда воқеалар мароми, қаҳрамонларнинг ҳаракатлари — ҳаммаси табиий, ҳаётдагидек оддий ва ишонарли чиқиши зарур.

Афсуски, мазкур комедия асосан Шерматнинг «муаммоси»га қаратилган. Натижада, фильмнинг бош ғоявий йўналиши ўз аҳамиятини йўқотган. Бу ўринда танқли совет кинорежиссёри Элдор Рязановнинг «Гараж» кинокомедиясини намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Бу фильм ижодкорлари гараж қуриш муаммоси орқали бугунги ҳаётимиз учун актуал бўлган маънавий-ахлоқий проблемалар хусусида фикр юритишади. Воқеа давомида қаҳрамонлар характери яққол намоён бўлади. Уларнинг гараж қурилишига бўлган муносабатлари томошабинни ҳам кулдиради, ҳам ўйлантиради. Картинадан кулги нечоғлик жиддий қурол эканига ишонч ҳосил қиласиз. «Суюнчи» фильми муаллифлари эса ўз асарларида мана шундай натижага эриша олишмаган.

Картинага ёш композитор М. Маҳмудов куй басталаган. Шуни айтиш керакки, музика фильм воқеалари билан уйғунлашиб кетади, аммо у қаҳрамонлар психологияси ва қалб кечинмаларини ўйноқи — мусиқий оҳангларда чуқур ва таъсирчан ифодалашга хизмат қилмайди.

Фильмда ўлкамизнинг табиат манзаралари катта таассурот қолдиради, қишлоқларимизнинг ўзига хос чиройи кўзни қувонтиради. Бепоён қир-адирлар меҳр-муҳаббат билан суратга олинган. Бунда рассом А. Маҳкамов ҳамда оператор Н. Ғуломов маҳоратларини ҳис этамиз.

Ўзбек кино санъатининг жонкуяр кулги усталари халқимизнинг улкан маънавий бойлигига таяниб, «Суюнчи» фильмидаги ютуқ ва камчиликларни назардан четда қолдирмаган ҳолда, келгусида томошабинларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўладиган, уларни ҳам кулдириб, ҳам ўйга толдирадиган ажойиб асарлар яратади, деган умиддамиз.

**Ш. ҲИДОЯТОВ,**
**киношунос.**

